O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH
VAZIRLIGI

100011, Toshkent, Navoi ko'chasi, 12 uy
Tel: + 998 (71) 241-16-91, e-mail: info@minzdrav.uz
www.minzdrav.uz

MINISTRY OF HEALTH
OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN

100011, Tashkent, 12, Navoi street
Phone: + 998 (71) 241-16-91, e-mail: info@minzdrav.uz
www.minzdrav.uz

2020 y. «20» 08 №8-7-8/867 «20» 08 2020 г.

**Тиббиёт олий таълим муассасалари, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч ва Фарғона филиаллари, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари раҳбарларига**

**2020/2021 ўқув йилида клиник ординатура (резидентура)га қабул қилиш муддатларини ўзгартириш тўғрисида**
**КЎРСАТМА**

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси мажлисининг 2-сонли баёни (11.08.2020 й., 01-07/1-1400) ижросини таъминлаш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 16 июлдаги “2020/2021 ўқув йилида клиник ординатура (резидентура)га қабул қилиш тўғрисида”ги 190-сонли буйруғига ўзгартириш киритиш мақсадида:

1. Тиббиёт олий таълим муассасалари, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч ва Фарғона филиаллари, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари:

2020/2021 ўқув йилида клиник ординатура (резидентура)га ҳужжатларни онлайн қабул қилиш муддатлари 15 сентябрга қадар (шу куни ҳам) узайтирилганлигини;

2020/2021 ўқув йили қабулида тиббиёт олий таълим муассасалари клиник ординатура (резидентура)ига кириш имтихонларини ўтказишнинг аниқ муддатлари республикада эпидемиологик вазият барқарорлашишидан келиб чиқиб, бакалавриат ва магистратура кириш имтиҳонлари ўтказилгандан сўнг Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланишини маълумот ва ижро учун қабул қилсин.

4. Мазкур кўрсатма хат ижросининг назорати Фан ва таълим бош бошқармаси бошлиғи Ў. Исмаилов зиммасига юклансин.

**Вазир ўринбосари** **У. Сабиров**